Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 21 октябрь, шанба. №129. (21.892) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕАТР ВА МУСИҚА САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Театр ва мусиқа санъати ютуқларини мустаҳкамлаш ва янада юксалтириш, маданиятнинг ушбу соҳаси ижодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, шунингдек республика театр ва мусиқа жамоатчилигининг истакларини эътиборга олиб:

1. 1995 йил 1 ноябрдан бошлаб театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санъати ижодий кадрларини тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари учун:

узоқ муддат хизмат қилганлиги учун лавозим маошига нисбатан ҳар ойлик тақдирлаш пули миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

пенсияга чиқишда — амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган асосий пенсияга республикада белгиланган энг кам иш ҳақига нисбатан ҳар ойлик устама миқдорлари 2-иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

республикада театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришнинг истиқбол дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театри ҳузурида 15 кишидан иборат стажёрлар гуруҳи ташкил этсин;

хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда театр ва мусиқа санъати учун махсус буюмлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Мусиқа санъати соҳасида кадрлар тайёрлаш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида консерваториянинг янги комплексини қуриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва «Даврархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу масала бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда театр-концерт ташкилотлари ва кўрсатиб ўтилган ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 1996-1997 йилларда бюджетдан маблағ ажратишни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг жорий этилишига алоқадор харажатларни маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 20 кун муддатда амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларга қўшимчалар тўғрисида таклифлар тайёрласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни бажариш юзасидан икки ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги Фармонига 1-илова

Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санъати бўйича ижодий ходимлар тайёрловчи ўқув муассасалари профессор-ўқитувчиларига ва концертмейстерларга узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик тақдирлаш пули МИҚДОРЛАРИ

Хизмат муддатлари	Лавозим маошига нисбатан фоизлардаги ҳар ойлик тақдирлаш пули миқдорлари
I. Ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган театр-концерт ташкилотлари артистлари	
1 йилдан 3 йилгача	10
3 йилдан 5 йилгача	20
5 йилдан 10 йилгача	40
10 йилдан 15 йилгача	45
15 йилдан ортиқ	50
II. Театр-концерт ташкилотларининг артистлари ва бадиий ходимлари	
3 йилдан 5 йилгача	10
5 йилдан 10 йилгача	20
10 йилдан 15 йилгача	35
15 йилдан 20 йилгача	40
20 йилдан 25 йилгача	45
25 йилдан ортиқ	50
III. Ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари	
3 йилдан 5 йилгача	10
5 йилдан 10 йилгача	15
10 йилдан 15 йилгача	20
15 йилдан 20 йилгача	30
20 йилдан 25 йилгача	40
25 йилдан ортиқ	50

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги Фармонига 2-илова

Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ва концертмейстерларининг асосий пенсияларига ҳар ойлик устамалар МИҚДОРЛАРИ

Гуруҳлар	Энг кам иш ҳақига нисбатан фоизлардаги ҳар ойлик устама миқдори
1. Ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистлар	75
2. Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари	50

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси етакчи мутахассиси Абдумалик ЁҚУБОВ билан суҳбат

— Албатта, республикамизда Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ташкил этилиши жуда катта аҳамиятга эга иш бўлди. Унинг фаолияти, ўқиш муддати ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бу академия — мудраётган маънавиятни уйғотиш ва тартибга тушаётган иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги жиддий қадамдир. Биз кучли бир демократик ҳуқуқий давлат ва фозил бир жамият қуриш орзусидамиз. Академия ана шу ниятни амалга оширишда таянч бўлиб хизмат қилади. Ў миллатнинг, халқнинг виждонига айланиши керак. Неки орзулар, тавсиялар ва ташаббуслар эзгулик учун, адолат учун хизмат этаркан ушбу даргоҳнинг йўналишлари бўлиб хизмат қилади. Академия — жамиятнинг ТАШАББУСКОРИ сифатида фаолият кўрсатади.

Унга ҳозирча 10 ой таълим олувчи тингловчилар қабул қилинди. Ҳали бундай жиҳатлар яна ташкил этилади.

Академия замон талабига мос, жаҳон андозасига хос фикрлайдиган шахсларни тарбиялаб етказади. Бу даргоҳда таълим олганлар чин маънодаги Ватан фидойиси бўлиб етишишлари керак.

— Академияда илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилса керак?

— Номимизда «Академия» сўзи бор. Бу дегани энг олий даражада тадқиқотчилик олиб борилади, демакдир. Ҳозир бу ерда ўз соҳасининг билимдонлари йиғилишмоқда. Илмий тадқиқот бўлимимиз бор. Унда давлат ва жамият қурилиши масаласига оид бешта йўнлиш мавзу бўйича тадқиқотчилик ишлари амалга оширилади.

Биз тадқиқотчиликни жаҳон андозаси даражасида олиб бормоқчимиз. Айни пайтда фикрлар хилмахиллиги ҳам ҳисобга олинади. Лекин, тадқиқотчининг олдига учта шарт қўямиз:

1. Тадқиқотнинг мавзуси долзарб бўлиб, бугунги илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига таянсин.

2. Кашф этилган янгиликни амалиётга тадбиқ этиш муҳим масала деб ҳисоблансин.

3. Мавзунинг аввало ўтмиш маънавий меросимизда, қолаверса дунё илм-фанида ҳал этилиши даражаси аниқланиб, яратилган янгиликнинг самарадорлиги белгилансин.

Бизга амалиётга тадбиқ этилиши лозим бўлган илмий янгиликлар керак. Амалиётга ярамайдиган «тадқиқотлар»дан жамият безор бўлган... Яна бир гап: бугун ёзилиб, бир йил ўтар-ўтмас умри «тугаб» қоладиган тадқиқот бизга керак эмас. Айни пайтда замонасозлик йўсинида ёзилувчи ишлар ҳам биз учун ортиқчадир. Шу тарзда биз жамиятимизда ЯНГИЧА ТАФАККУР ТАРЗИНИ шакллантириш ниятидамиз. Бу масалани Президентимиз ҳам бизнинг олдимизга вазифа қилиб қўйдилар.

«Янгича тафаккур» тушунчасини изоҳлайдиган бўлсак, унинг маъноси ҳар бир шахснинг ўз фикрига, қарашига эга бўлиши демакдир. Бизда узоқ вақт шахснинг ўз дунёқараши шакллантирилмасдан келинди. Энди эса давр буни талаб этмоқда. Англаган бўлсангиз, илмий тадқиқотчилигимиз юксак талаблар асосида олиб борилади. Энг асосий гап шуки, тадқиқотчиликда ўтмиш ва бугуннинг ютуқларини таҳлил қилиб, жамият тараққиёти учун тақдим қилиш лозим.

— Илмий тадқиқотчилик қандай методологияга асосланади?

— Бу борада МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИГА асосланамиз. Тадқиқотнинг эгоистик ва шовинистик каби бирёқламаликлардан ҳоли бўлишлиги учун шундай йўл тутилади. Қолаверса, бу нарса илмий кашфиётнинг (янгиликнинг) бутун инсониятга дахлдор эканлигидан далолатдир. Бу методология фикрда миллийликни (шарқоналикни, мустақилликни), ҳулосада умуминсонийликни (жаҳонийликни) тақозо этади. Энди илмий изланишларимиз методологияси хусусида ҳам қатъий фикрга келиш вақти келди. Ҳозирча биз танлаган йўл шу.

— Истиқлол мафкурасини шакллантиришда академиянинг ҳиссаси қандай бўлади?

— Академия бу ишнинг марказига айланади. Жамият тараққиёти учун тақдим қилинаётган жамики ғоялар ушбу даргоҳда таҳлил қилиниб, фақат фикрларнинг қаймоғигина амалиётга тақдим қилинади. Бу ишда албатта илмий ҳақиқатлар тарозунинг посангиси сифатида майдонга чиқади.

Ҳозир ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ таъсис этиш ғояси ўртага ташланди. Қайсики давлат **буюкликка,** қайсики миллат **улуғликка** интилса бу ғояни тан олиши керак. Бизнинг ўтмишимизда бундай жамият тўғрисида анча-мунча тадқиқотлар яратилганди. Мисол учун биргина Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги ФОЗИЛ ЖАМИЯТ ғоясини эсланг. Қолаверса, «Қутадғу билиг»даги ЭЗГУЛИК ЖАМИЯТИ тўғрисидаги ёлқинланишларни хотирланг. Демоқчиманки, биз учун бу ғоя четдан олинган эмас. Аксинча, бу — ўтмиш нури томон интилишдир.

Истиқлол мафкураси шахснинг ўй-фикри, дунёқараши ва изланишларига ўт берувчи, ҚАЛБИ УЛУҒ инсонлар тарбиялаб етказувчи фикрлар жаъмига айланади. Академия бу борада барча ишларни амалга ошириш учун тайёр.

Абдувоҳид ҲАЙИТ
суҳбатлашди.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗ ШАРТИ

Кеча Ўзбекистон Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида Давлат тили ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигининг 6 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Институт директори А. Жалолов, илмгоҳ ходимлари — фалсафа фанлари докторлари Қ. Хоназаров, О. Файзуллаев, ЎзРФА мухбир аъзоси Ҳ. Раҳмонқулов, ҳуқуқ фанлари доктори М. Файзиев, ҳуқуқ фанлари номзоди М. Аҳмадшоева ва бошқалар мазкур Қонуннинг 1989 йилнинг 21 октябрида республика Олий Кенгаши сессиясида қабул қилиниши Ватанимиз ўз мустақиллиги томон интилишида муҳим қадам бўлганлигини таъкидладилар. Нотиқлар унинг ҳозир ва истиқболда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти, ўзбек тилини пухта эгаллаш ҳар бир юртдошимиз маънавий ҳаётининг муҳим шарти эканлиги, шунингдек, файласуф ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг диёримизда тил сиёсати муаммоларини ҳал этишдаги илмий вазифалари хусусида фикр юритдилар.

С. ШЕРАЛИЕВ.

БМТ БОШ КОТИБИ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида иштирок этиш учун шу йил 22 октябрь куни Нью-Йоркка жўнаб кетади.

«Обуна — 96»

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ?..

Ўзбекнинг суюкли шоири Абдулла Ориповнинг қуйма сатрини бугунги кунда сал ўзгартириб шундай ифодаласак ўринли бўлур эди. Негаки, куни кеча Абдулла ака бизга қўнғироқ қилиб биринчи навбатда «Ўзбекистон овози»га обуна бўлганликларини маълум қилдилар. Ходимларимиздан бири ёшлик қилибми, нега айнан бизнинг газетага ёзилдингиз, деб сўраган эди, эшитадиганини эшитди: «Ука, ахир мен шу газетада неча йилдан буён таҳрир ҳайъати аъзоси бўлсам, бир томони Олий Мажлисда ХДП фракциясида турсам, сайловчиларимга айтар гапимни шу нашр орқали етказсам, энг муҳими, китоблик ва чироқчилик жигаргўшаларимнинг ҳаётидан аввало шу газета орқали хабардор бўлиб турсам, мен нечун «Ўзбекистон овози»га обуна бўлмаслигим керак» деб дакки бердилар. Ҳар қандай даврдан улоқни олиб кетадиган халқ шоирининг бу гапларига ҳам ҳеч ким жавоб тополмади.

Демак, келгуси йил учун «Ўзбекистон овози»га обуна бўлган ҳар бир фуқаро, ёки корхона ходими Абдулла Орипов билан бир вақтда газетхонлик қилади. Бу туйғу ҳар бир миллатдошимизда фахр уйғотиши табиий. Фурсатдан фойдаланиб, газетамиз саҳифаларида 1996 йил давомида бериб бориладиган асосий мавзуларни эслатиб ўтамиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» КЕЛГУСИ ЙИЛДА:

Президент Фармонлари ижросини изчил назорат қилади.

Ўзбекистон ХДП фаолиятини мунтазам ёритиб, ишдаги ютуқ ва камчиликларни рўй-рост кўрсатади.

Маънавият масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, халқимизнинг азалий қадриятлари тикланиши учун жон куйдиради.

Ўзбек давлатчилиги тарихини энг сўнгги ва ҳаққоний маълумотлар асосида ифодалаётган «Боқий шажара» рукнини давом эттиради.

Эл эҳтиёжига хизмат қилаётган реклама ва билдирувларга кенг жой ажратади.

Газетхонларни қизиқтираётган ҳуқуқий ва бошқа мавзудаги саволларга ўз вақтида жавоб беради.

«Ўзбекистон овози»ни олис хориждаги ватандошларимиз ҳам қизиқиб ўқийдилар, ундан Сиз бебаҳра қолманг!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Она тилим — жону дилим

ОЛТИ ЙИЛ ЎТДИ...

Ўзбекистонда Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинганига бугун олти йил тўлди

Биримиз ҳаяжон ила суюниб-суюниб «Байрам-да бугун, байрам» деб қўямиз.

Биримиз эса бош чайқаб «йўғ-э, вақт бунча тез ўтмаса. Ишонгинг келмайди» деймиз.

Яна бировимиз...

Нима дейишимиздан қатъий назар, ўтган олти йилнинг ташвишидан кўра қувончи каттароқдир. Чунки ана шу йиллар бизнинг кўзимизни «очди». Энг олий неъмат ҳисобланмиш ТИЛИМИЗ ўзининг қадр-қимматини топа бошлади. Бугун ер шарининг тўрт буржида-да «ЎЗБЕКИСТОН, ЎЗБЕК» десалар ҳеч ким ажабланмайди. Ўзбек тили эса яна ўз қадимий шуҳратини тиклаётир.

Қонун ўз номи билан Қонун. У муҳокама ё таҳлил этилмайди. Изоҳ талаб қилинмайди. Бажарилади, вассалом! Шу маънода Давлат тили ҳақидаги Қонун бундан олти йил бурун юрак-юракларимизга қанчалар ифтихор ва ғурур солган бўлса, бугун ҳам ана шундай куч ва салмоққа эга.

Тан олмоқ керак: олти йилда ЎЗБЕК ТИЛИ ўз қаддини баҳоли қудрат тиклади. Аслида бу йўлда бажарилган катта-катта ишларни санаш ё турли хил нуфузли маҳкамаларнинг савобли саъй-ҳаракатларини тан олиш билан унинг залворли одимларини ҳисоблаб чиқолмаймиз. Албатта, неча ўн йиллар давомида йўл қўйилган даҳшатли хатоларни тузатиш осон эмас.

Аввало ҳар қандай қонуннинг кучи эл-улуснинг руҳига, юрагига қандай сингиши билан белгиланади. Бу борада Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг халқимиз руҳиятига таъсири беқиёс ва улкан нуфузга эга эканлигини мана шу ўтган олти йил кўрсатди. Лекин...

Кўнглимизда андак хижиллик ҳам йўқ эмас. Чунки қонун, юқорида айтдик, яна қайта таъкидлаймиз, ўз номи билан Қонун! У ўз кучида ва юксак вазифасини бажараётир. Аммо бизнинг бу катта имконият ва аҳамиятга молик қонун олдида хижолатлигимиз бор. Биз ҳалиям турли хилдаги кўрсатма ва буйруқларга ўрганиб қолганмиз. Улардан қутулолмаяпмиз. Аслида эса сизу биз, ҳамма-ҳаммамиз, қолаверса, бугунги кунда бутун дунёга «ўзбекистонликман!» дея фахр ила мақтанаётган ҳар бир фуқаро бу Қонун олдида ўзининг чексиз жавобгарлигини ҳис этиши керак.

Тўртта ёзувни ўзбекчалаштириб ёки ўнта ўзбекча сўзни ўрганиб олиш — бу қонунни бажариш дегани эмас. Айниқса, кейинги пайтда сезиляпти: қонунга бўлган муносабатлар суслашгандек. Гўё биз ўзимизнинг вазифамизни ўтаб бўлгандек ҳис қилаяпмизми?

Сўзимиз қуруқ бўлмасин. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган мактубларидан олинган парчалар ва қулоққа чалинган гап-сўзлардан келтирамиз. Бирини ўқиб, эшитиб бошимиз осмонга етди. Бирини...

«Кеча тун бўйи ухлолмадим. Иситмам чиқди. Қон босимим кўтарилди. Қизимга «Дўхтир чақиринглар» дедим. «03»га сим қоқишди. Гўшакни қўяётиб, қизим қувониб-қувониб нима дейди денг: «Ойижон, навбатчи қиз ўзбек тилида бирам ширин гаплашди-ей» дейди»...

«Паспортимни рўйхатдан ўчирмоқчи эдим. Тўртта қоғоз тутқазишди. Ўрисча экан, тушунмадим. Ходим бўлса жеркиб-жеркиб тўлдирди-да, «ҳақини чўзинг» деди. Билмадим, бу қайси қонунга тегишли? Ўзбекча гапириб, ўрисча тўлдириш...»

«Илгарилари куча-кўйда, автобус, метрода «Ўзбекча гаплашамиз» деган китобни одамларнинг қўлларида кўп кўрардим. Ҳозир негадир кўзим тушмаяпти...»

«Хорижий элчихоналардан бирида ўтказилган йиғинда қатнашдим. Элчи жаноблари сўз бошлашдан аввал самимий оҳангда «Ассалому алайкум, азиз биродарлар!» деганида дилимда ғаройиб фахр туйдим...»

Не бўлганда ҳам ўтган олти йил сарҳисоби янада улканроқ. Ҳа, азизлар йиллар ўтаверади. Қанча вақт ўтгани сайин биз юқорида қувонч билан тилга олаётган оламшумул бу Қонуннинг куч-қудрати, масъулияти, юки шунчалик ортиб бораверади.

Норқобил ЖАЛИЛ.

ОНА ТИЛИМ

Ҳар сўзида онам меҳри бор,
Юрагининг ўчмас муҳри бор,
Сўзларининг жозиб сеҳри бор,
Сирли, гўзал, жонона тилим,
Она тилим, ягона тилим.

Сўйлар бўлсам овозим ўзинг,
Куйлар бўлсам шўх, созим ўзинг,
Ҳам баҳорим, ҳам ёзим ўзинг,
Она тилим, о, она тилим,
Асл, камёб, дурдона тилим.

Мир Алишер сенда сўзлаган,
Мирзо Бобур суйиб сизлаган,
Чин фарзандлар кўзин узмаган,
Бугун дунё парвона, тилим,
Она тилим шоҳона тилим.

Барот ЯРАШ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

СИЁСАТ ЎЗГАРДИ

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати хорижий мамлакатларга қарз бериш борасидаги сиёсатига маълум ўзгартиришлар киритди. Эндиликда ХХР чет давлатларга кўрсатадиган молиявий ёрдам ва қарзни фоизсиз бермайди. Бу ҳақда Хитой ҳукумати матбуот орқали маълум қилди.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Толибон» ҳаракатининг жангговар гуруҳлари Афғонистон ҳукумат қўшинларига қарши ҳужумларини давом эттирмоқда. Кеча Афғонистон Президенти Бурхониддин Раббоний қўшини яна чекиниб, Қобул яқинида сўнгги ҳимоя чизиғига ўрнашиб олди. Айни пайтда ҳукумат қўшинлари Қобул ёнидаги уч йирик йўналишни мустаҳкам истеҳкомга айлантирган.

БЕҲУДА КЕТГАН УРИНИШ

Колумбиянинг Картахена шаҳрида ўтказилаётган қўшилмаслик ҳаракатига аъзо давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувида Японияннинг мазкур ҳаракатнинг расмий меҳмони мақомини олишга бўлган уринипи беҳуда кетди. Чунки Шимолий Корея Токионинг мазкур учрашувда иштирок этишига бўткул қарши чиқди. Тадбирда Япония ҳукумати номидан қатнашиши лозим бўлган мамлакатнинг БМТдаги вакили Хисаси Овада ана шундай муваффақиятсизликдан сўнг Нью-Йоркка ўз вазифасини уташ учун жўнаб кетди.

СЕССИЯДА ИШТИРОК ЭТИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

АҚШ ҳукумати Куба раҳбари Фидель Кастрога БМТнинг 50-сессиясида иштирок этиш учун АҚШ ҳудудига киришига рухсат берди. Бу ҳақда АҚШ давлат департаментининг вакили Николас Бернс маълум қилди. Шанба куни Фидель Кастронинг Нью-Йоркка келиши ва якшанба куни БМТнинг Бош Ассамблеясида нутқ сўзлаши кўзда тутилган.

ХИЛВАТ ЖОЙДАГИ УЧРАШУВ ОЛДИДАН

31 октябрь куни АҚШнинг Огайо штатидаги Райт-Паттерсон авиабазасида Босния ва Герцеговина, Сербия ҳамда Хорватия Президентлари ўртасида собиқ Югославиядаги можарони тинч йўл билан ҳал этиш бўйича музокаралар бошланади. Бу ҳақда баёнот берган АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер музокаралар учун «хилват жой» бежиз танланмаганини қайд этиб, бу ердаги муҳит ҳар уч делегация ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Россиядан иборат «Мулоқот» гуруҳининг самарали ишлаши учун қулай шароит яратишини таъкидлаган.

ТАШРИФ ФЕВРАЛГА ҚОЛДИРИЛДИ

Франция Президенти Жак Ширакнинг Америка Қўшма Штатларига давлат ташрифи келгуси йилнинг февраль ойига қолдирилди. Мазкур ташриф шу йилнинг 3 ноябрь куни бошланиши керак эди. Оқ уй маъмурияти вакилининг маълум қилишича, ташрифга тайёргарлик режасидаги айрим ўзгаришлар ва қулайликлар ҳисобга олинган ҳолда мазкур қарорга келинган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ИНСОНИЯТНИНГ ТИНЧЛИК УЙИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — 50 ёшда

Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун тузилган ноёб ташкилотдир.

И. А. КАРИМОВ.

(БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқидан).

1993 йил. Президентимиз Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 48-сессиясида БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий билан учрашувидан лавҳа.

Шу кунларда миннатдор инсоният, тинчлик ва хавфсизликни муқаддас билган барча кишилар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ярим асрлик туйини кенг нишонламоқдалар. Жаҳон ҳамжамиятининг 50 йиллик юбилейи том маънода барча халқларнинг катта байрами, уларнинг сиёсий ҳаётидаги улкан воқеа.

Қутлуғ сана муносабати билан сайёрамизнинг ҳамма нуқталарида тинчлик юришлари ва намойишлари бўлмоқда. Кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Ҳақли равишда халқларнинг Тинчлик Уйи номини олган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқлар хавфсизлиги ва курраи замин осойишталигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашдаги хизмати яна бир бор таъкидлаб ўтилмоқда.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави 1945 йилнинг июнь ойида Сан-Франциско (АҚШ, Калифорния штати) шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда 51 мамлакат вакили томонидан имзоланган, ана шу тариқа жаҳон ҳамжамиятига асос солинган эди. Мазкур Устав 1945 йилнинг 24 октябрида кучга кирган эди. Шу сабабли ҳар йили 24 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни сифатида нишонланади.

БМТ иккинчи жаҳон урушида агрессия ва фашизм устидан қозонилган оламшумул тарихий ғалаба натижасида, тинчлик ва хавфсизликни барқарор этишда мустақил давлатлар ҳаракатининг бирлашишга ихтиёрий интилиши кучайиши асосида вужудга келган энг йирик халқаро ташкилотдир. Тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда уни мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасидаги тинч ҳамкорликни ривожлантириш, урушларнинг олдини олиш, қуролсизланишни амалга ошириш, халқаро низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш, халқларнинг иқтисодий тараққиётига кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш, саводсизлик, қашшоқлик ва камбағалликни тугатиш, табиат экологиясини муҳофаза этиш, кескин, мураккаб халқаро муаммоларни ечишга ёрдамлашиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош ва асосий вазифасидир. БМТ Бош Ассамблеяси ва унинг Хавфсизлик Кенгаши жаҳон ҳамжамиятининг асосий ишчи органлари ҳисобланади.

Ўтган 50 йил мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва унинг ҳомийлигида кўплаб халқаро битим ва шартномалар имзоланди. Шу давр ичида жаҳон ҳамжамияти сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун кўпгина салмоқли ишлар қилдики, унинг бу борадаги инсоният олдидаги хизмати ниҳоятда каттадир.

Маълумки, тинчлик, тараққиёт ва демократиянинг улуғ мақсади биргаликдаги улкан ҳаракат ва интилишларни тақозо этади. Жаҳон мамлакатларининг айни Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ҳамкорлиги бунга кенг йўл очиб беради. Гуллаб-яшнаётган дунёни, урушлардан ҳоли дунёни яратишда жаҳон ҳамжамиятидан ҳаракатлантирувчи, қайта қурувчи куч сифатида фойдаланса бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси эълон қилган турли соҳаларнинг ривожланишини кўзловчи ўн йилликлар бунга мисол бўла олади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўтган йиллардаги фаолиятига холисона ёндашадиган бўлсак, унинг халқлар тинчлиги, иқтисодий тараққиёти учун қилган ишлари салмоқли эканлигини кўрамиз:

— Жаҳон болаларининг 80 фоизи шол ва бошқа касалликларга қарши эмланди. Бу рақам 1974 йилда беш фоизга тенг эди.

— Жаҳон ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзи ҳам фаолияти давомида маълум қийинчиликларга дуч келмоқда. Молиявий танглик жаҳон ҳамжамияти ишига асосий тўсиқ бўлмоқда. Масалан, 1995 йилнинг август ойида унга аъзо бўлган мамлакатларнинг БМТга бўлган взнос қарзи 3,7 миллиард долларга етди. Унинг молиявий аҳволи ҳамон ёмонлашиб бормоқда. БМТнинг тинчлик ўрнатувчи операциялари эса катта маблағни талаб этади. Ҳозирги пайтда БМТ ер юзининг турли нуқталарида 16 та тинчлик ўрнатувчи операцияни ўтказмоқда. Ўтган йили шу мақсад учун қилинган сарфлар 3,5 миллиард долларга тенг бўлди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонаси сифатида қараб, ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ жаҳон ҳамжамияти билан амалий алоқаларни мустаҳкамлашга киришди. Мустақил давлатимиз ушбу катта халқаро обрў ва нуфузга эга бўлган ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Тошкентда БМТнинг доимий ваколатхонаси очилди. Шу йил январь ойида эса БМТ ваколатхонаси билан Миллатлар Ташкилоти фаолиятида ҳам ўз аксини топмасдан қолмади.

Жаҳон ҳамжамияти ҳам янгиланиш жараёни палласига кириши лозим бўлиб қолди. Жаҳон сиёсати масалаларига янгича ёндашиш масаласи кун тартибига қўйила бошлади. Масалан, шу кунларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Африканинг умуман, учинчи дунё мамлакатлари мавқеини кучайтириш, Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари сонини ошириш, жаҳон ҳамжамияти Уставига тинмай риоя этиш таклифлари ва талаблари илгари сурилмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европада блокларсиз асосда умумий ва кўп қиррали хавфсизлик тизимини вужудга келтиришга яқиндан кўмаклашиши лозимлиги айтиб ўтилмоқда.

ХАЛҚЛАР ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзи ҳам фаолияти давомида маълум қийинчиликларга дуч келмоқда. Молиявий танглик жаҳон ҳамжамияти ишига асосий тўсиқ бўлмоқда. Масалан, 1995 йилнинг август ойида унга аъзо бўлган мамлакатларнинг БМТга бўлган взнос қарзи 3,7 миллиард долларга етди. Унинг молиявий аҳволи ҳамон ёмонлашиб бормоқда. БМТнинг тинчлик ўрнатувчи операциялари эса катта маблағни талаб этади. Ҳозирги пайтда БМТ ер юзининг турли нуқталарида 16 та тинчлик ўрнатувчи операцияни ўтказмоқда. Ўтган йили шу мақсад учун қилинган сарфлар 3,5 миллиард долларга тенг бўлди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонаси сифатида қараб, ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ жаҳон ҳамжамияти билан амалий алоқаларни мустаҳкамлашга киришди. Мустақил давлатимиз ушбу катта халқаро обрў ва нуфузга эга бўлган ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Тошкентда БМТнинг доимий ваколатхонаси очилди. Шу йил январь ойида эса БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг стратегик муаммолари ва БМТ билан ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга бағишлаб семинар-кенгаш ўтказилди.

Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистон бутун дунё учун очиқ ва биз сайёрамизда рўй бераётган жараёнларни теран ва пухта идрок этишга, демократик қурилиш, бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш борасида ривожланган давлатлар тўплаган улкан тажриба асосида замонавий цивилизация ютуқлари билан танишиш, Европа ва жаҳон ҳамжамиятига янада фаол қўшилишга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат мустақил мамлакатимизнинг БМТ тадбирларида яқиндан қатнашиши, дунё ишлари, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларда фаоллик кўрсатаётганлиги бунинг учун қулай шароитлар, кенг имкониятлар туғдириб бермоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг жўшқинлиги давлатимиз халқаро обрў-эътибори ва унинг дунё ишларига бўлган таъсирини тинмай ошириб бормоқда.

Сўзсиз Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги нутқи, унда илгари сурилган дадил таклифлар халқаро ҳаётнинг катта воқеаси бўлган эди. Президентимизнинг жаҳон ҳамжамияти олий минбаридан туриб Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинарини, Нукус шаҳрида эса БМТ ҳомийлигида Орол денгизини ва Оролбўйини қутқариш бўйича халқаро конференцияни чақириш тўғрисида илгари сурган таклифи жаҳон жамоатчилиги томонидан қизғин маъқулланган эди. Кўп ўтмай дунё ишларининг бориши Президентимиз таклифларининг ҳаётийлигини, бундай халқаро йиғинларнинг ўтказилиши умуминсоният манфаатларга хизмат қилажагини тасдиқлаб берди.

Шу йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича кенгаш-семинар, 18-20 сентябрь кунлари эса Нукус шаҳрида БМТ раҳнамолигида Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Узбекистон пойтахтидаги йиғин «Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент кенгаш-семинари баёноти»ни қабул қилди. Нукусдаги халқаро анжуман эса муҳим ҳужжат — «Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Нукус декларацияси»ни тасдиқлаш билан якунланди.

— Марказий Осиё давлатлари, — дейилади Тошкентда ўтган халқаро кенгаш-семинар қабул қилган Баёнотда, — Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янги жаҳон тартибини шакллантириш жараёнидаги энг илғор воситалардан бири сифатида унинг бу борадаги ўрнини юксак баҳолайдилар ва БМТнинг имкониятлари ҳамда орттирган тажрибаси минтақадаги мавжуд муаммоларни муваффақият билан бартараф этишга имкон яратишига ишонадилар. Афғонистондаги қонли низони тугатиш, Афғонистон — Тожикистон чегарасидаги кескинликни юмшатиш, Тожикистондаги вазиятни соғломлаштириш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг баҳоли-қудрат ҳаракат қилаётганлиги бундай ишончга асос бўла олади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўз навбатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Бош котиби Бутрос Ғолий Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқаро фаолиятини юқори қадрламоқда, давлатимиз ташқи сиёсатининг халқлар ўртасида дўстона муносабатларни кенгайтириш, халқаро иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги умумжаҳон муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасидаги таклиф ва ташаббусларини қизғин маъқулламоқда. «Олдимизда турган муаммолар, — дейилади БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига йўллаган мактубларидан бирида, — ижтимоий тараққиёт соҳасига масъул бўлган барчамизнинг кенг ҳамкорлик қилишимизни тақозо этади. Бу борада Сизнинг шахсан қўллаб-қувватлашингиз ва йўл-йўриғингиз бундан кейин ҳам биз учун ниҳоятда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Сиз билан шу йил октябрь ойида БМТ ташкил этилганининг 50 йиллиги юбилейи муносабати билан Нью-Йоркдаги қароргоҳимизда учрашишимизга умид боғлайман».

Шу кунларда инсоният бисотидаги энг нодир бойлик тинчлик. Уни кўз қорачиғидай асраш барча мамлакатлар ва халқларнинг муқаддас бурчи. Бу борада ҳар бир катта-кичик қадам қутлуғ ва таҳсинга сазовор. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса ярим асрдирки, ана шу бойликнинг содиқ қўриқчиси бўлиб келмоқда. Ана шу халқаро ташкилотнинг катта нуфузга эга бўлаётганлиги ва унинг 50 йиллик юбилейи кенг нишонланаётганлиги сабаби ҳам ана шунда!

Талъат СОЛИЕВ,
Миршароф МУҲСИМОВ.

ФАКТВА РАҚАМЛАР

**** БМТга дастлаб 51, ҳозир эса 185 мамлакат аъзо.***

**** 1992 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди.***

**** 1993 йилда Тошкентда БМТнинг доимий ваколатхонаси очилди.***

**** 1993 йил 20 июль куни БМТ нинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Башир Малик Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.***

**** БМТ Бош Ассамблеясининг 49-сессиясида 328 та қарор қабул қилинди. Сессияда 45 та мамлакат, давлат ва ҳукумат бошлиқлари нутқ сўзладилар.***

**** Россия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. Унинг ҳозирги нодоимий аъзолари — Аргентина, Германия, Гондурас, Ботсвана, Индонезия, Италия, Нигерия, Омон, Руанда, Чехия Республикаси ҳисобланади.***

**** 1995 йилнинг январь ойидан буён Хавфсизлик Кенгашининг раиси Аргентинанинг БМТдаги доимий вакили Эмилио Карденасдир.***

**** БМТ Бош Ассамблеяси 50-юбилей сессиясининг раиси этиб Португалия вакили, Лиссабон университетининг ҳуқуқ профессори Диогу Фрейташ ду Амарал сайланди.***

**** БМТ Бош Ассамблеясининг 50-юбилей сессиясида 107 та давлат ва 41 та мамлакат ҳукумат бошлиқларининг қатнашиши кутилмоқда.***

Ўзбекистон ҲДП ташкил топганлигининг тўрт йиллиги олдидан

ТЎРТОВЛОН ТУГАЛ БЎЛСА...

Яқинда деҳқончилик саноати уюшмаси деган каттакон идоранинг каттаконларидан биридан «шоли ўрадиган нечта комбайнингиз бор» деб сўрасам: «Буни механизация бўлимидан сўрайсиз. Бизники уруғчилигу-деҳқончилик бўлими», — деб жавоб қилди.

Гурунг орасида мен бу гапни Музработ туманининг Абдулла Набиев номли деҳқон (фермер)лар уюшмаси раиси Учқур Ғаффоровга айтиб қолдим. Раис ҳеч нарса демади. Кулди.

Ғаффоровнинг тенгдошлари унинг Афғонистон Республикасида ишлаб келганини назарда тутиб (1977-1979 йиллар) ҳазил йўсинда «халқаро тоифадаги бўғолтир» дейишади. Ўзи туғилиб ўсган жойга хўжалик директори бўлиб келганида чиндан ҳам тоифаси баланд ҳисобдон эканлигини кўрсатди. Чорвани-ю тракторларни «приём-сдача» қилишдан олдин қишлоқдагиларнинг нима касал билан кўпроқ оғриши ҳисоб-китобини қилдириб чиқди. Қарасаки, жигар хасталиги кўп. Сабаби — ичимлик сув яхши эмас. Ҳатто истеъмолга яроқсиз. Мутахассисларнинг хулосаси шундай...

Оқтош тоғидаги булоқ билан хўжалик маркази оралиғидаги масофа — 18 чақирим. Қувур тортиб сувни сидириб келиш керак. Харажати — хўжаликнинг бўйнига. Бу — Ғаффоровнинг хулосаси бўлди.

Бирмунча вақт ўтиб тоғнинг суви набиевликларга шифобахш бўла бошлади. Одамларнинг «сариқ» касаллигини даволовчиларга иши тушмай қўйди.

Набиевликларнинг бу йил димоғлари чоғ. Чунки — ғалла яхши бўлди. Ғаллазор минг гектар эди. Улар 3 минг 700 тонналик хирмон кўтардилар (Ҳосилдорлик 30,7 центнер). 70 тонна буғдой уюшма аъзоларига сотилди. 220 тонна уруғлик тайёрланди. 247 тонна арпа — чорвага...

— Ўттиз центнер деганимиз ҳали — ҳолва, — дейди Ғаффоров. — Қодиров Усмон, Ҳўраев Эшмирза, Сориев Парда деганларимиз қирқ олти центнердан ҳосил олди. Сабаби — яхши ишлашди. Ишлаш деганнинг маъноси оддий — ерни алдамаслик керак.

Бир гектарга, масалан, бир халтача қўлга илашган уруғни сепиб-сепмай ердан кўп ҳосилни таъма қилиб ўтирса. Ўғит солмаса ҳам худо берса ғалла бўлаверади, деб ўзини овутса. Суғормаса, мана мен деган деҳқонлар ҳам бу йил тўғриси, ўзларини гўё ғаллани биринчи бор экаётгандай, буғдой агротехникасини энди кўргандай тутишди. Бу манзара, яширмоқдан нима, хўжалигимизда ҳам кузатилди.

Яна бир гап. Сиз бошда айтганга ўхшаш идораларнинг деҳқон билан шартномаси қатъий бўлмоғи керак. Деҳқонга уруғ сепилаётганда бор режани, ўрталикда иккинчисини, ғалла ўрилаётганда учинчисини айтиб қолишади. Деҳқонларимиз — танти. Борингки, эл билан баҳам кўради. Ҳатто арзон-қимматлигига қараб ўтирмайди. Ҳосилни юрт дастурхонига тўкиб солади.

Ғаффоровнинг бир одати, аниқроғи, бир гапи эътиборимни тортди: Илгари партиявий ишда ишламаган. Ҳатто бошланғич ташкилотга котиб бўлмаган. Лекин, ғоявий интизом, партиявий интизом деган ибораларни тилга олиб қолади. Жума Аҳадов деган ХДП аъзоси бор. Кўп йиллар бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Ҳозир Оқтош бўлимида бошлиқ. Ғаффоровнинг шу одам билан гапи қўшилади. Партия ташкилоти котибларини кўрганда уларни ўзига чорлайди. «Қани, одамлар нима дейишяпти. Бугунимиз ҳақида баҳолари қандай. Ташвишлари нимадан-у, ишончлари нимадан?» деб улардан сўрайди.

Шундай гурунгларга ўша Жума Аҳадов деганимиз зўр. Зўрлиги шундаки, ким нима деса оғзи очилиб, унга эргашиб кетавермайди. Мустақил фикри бор. Аниқ ифодалайди. Атрофлича асослайди. Ва ҳақлигини ўз тажрибасида исботлайди.

Хўжаликдаги тўртта қишлоқнинг учови газлаштирилган. Кейинги тўрт йил ичида хўжалик учта катта мактаб қурди. Боғроғлар яратди. Цехларни фабрикаларга айлантириш ниятлари бор.

... Яна ўша Жума Аҳадову бошқа оқсоқоллар маслаҳатни бир жойга қўйиб набиевликлар жамоа хўжалиги пойдеворида деҳқон (фермерлар) уюшмасини тузиб олишди. 160 деҳқон (фермер) хўжалигига ер, бошқа воситалар тақсим қилинди. Штатлар, мансаблар, «ойлик» чилар рўйхати қисқарди. Ер, техника кимники деган саволлар эгасиз қолмайдиган бўлди.

Энди денг деҳқон (фермер) хўжалигининг ери, трактори, чўнтагида муҳри бор. Фақат банкда ҳисоб рақами очилмаган. Қишлоқ билан банкнинг ораси узоқ — 35 чақирим. Автобус бўлар бўлмас. Иккинчи томони — деҳқон вақтдан қизғаниб. Ҳисоб рақами очмаса — буям бўлмайди.

Ғаффоров деҳқонларимизга қулайлик туғдириш мақсадида хўжалигимиздан туман марказий банкининг бўлинмасини очиб беринглар. Бўлинма учун иморат бор, мутахассислар бор, деган мазмунда тегишли идораларга хат қилди. Хатга жавобдан дарак бўлмагач, оёқ етганча ўзи чопди. Бироқ натижа йўқ. Саккиз ой ўтяпти, бўлмасам... Ахир, бир чумчуққа ҳам дон, ҳам сув керак, дегандай деҳқон хўжаликлари иш ҳақи олсам дейди. Даромадлару буромадларини сарҳисоб қилгиси келади. Қолаверса, ислоҳот талаби, давр талаби деган гаплар бор.

— Деҳқон хўжалиги фақат Ғаффоровнинг ёки фақат ҳокимники эмас, — дейди Учқур ака. — Банк, хўжалик, тижорат, бошқа идоралар — ягона рўзғорнинг шохобчалари. Айирмачилик — адаштиради. Ҳамжиҳат бўлиш қувват беради. Тўртовлон тугал бўлсин-чи...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

СИЗЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, БМТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ҲАМКОРЛИКДА БМТ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗАЁТГАН ХАЛҚ УСТАЛАРИ ВА ҲУНАРМАНДЛАРИНИНГ БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

ЯРМАРКА ШУ ЙИЛ 24-26 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ АЛИШЕР НАВОИЙ МЕЪМОРИАЛ МАЖМУИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

Божхона бекати

ТАРИФЛАР ЎЗГАРДИ

Мустақил давлатлар таркиб топгач ўз-ўзидан бу мамлакатларнинг алоҳида-алоҳида божхона хизматлари ҳам юзага келди. Бинобарин, божхонанинг ҳар қандай жамиятнинг ички иқтисодий имкониятидан кенгроқ фойдаланишга, ташқи мамлакатлар билан бу борадаги алоқаларни тартиблаштиришда аҳамияти катта. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 октябрдан божхона пошлиналарининг янги ставкаларини жорий этганлиги эса ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш борасидаги яна бир қадамдир. Шу муносабат билан божхона хизмати ва янги тарифлар хусусида Давлат солиқ қўмитаси Бош бошқармасининг божхона тарифи ва тўловлари бўлими бошлиғи Баҳром Иброҳимовга мурожаат қилдик.

— Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг ўзига яраша ишлаб чиқарувчи корхоналари ва турли хил маҳсулот етказиб берувчи кўплаб шаклдаги ишлаб чиқариш ташкилотлари ва якка хўжаликлари мавжуд. Ва шунингдек аҳолисининг ўзига яраша эҳтиёжи бор. Шундай экан, ўша эҳтиёжлар ҳисобга олиниб, имкониятлар ўрганилиб мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотини ҳимоя қилиш мақсадида олиб келинаётган ва чиқилаётган маҳсулотларга божхона тўловлари жорий этилади. Бизда ҳам худди шу тартиб. Аҳолининг биринчи эҳтиёжига эга бўлган маҳсулотларга импорт, яъни олиб киришда божхона пошлинаси йўқ. Булар озиқ-овқат, дори дармонлар, болалар кийим-кечаклари, оёқ кийимлар, янгича технологиялар, завод ва фабрикалар учун ҳар қандай асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришга зарур бўлган хом ашё маҳсулотлари ва бошқалар. Кўриниб турибдики, технология ва асбоб-ускуналарга божхона божи белгиланмаганлиги мамлакатимизда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, буни рағбатлантиришдир. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Олиб кириладиган, яъни импорт маҳсулотлардан бир туркуми борки, ўзимиздагилар ҳам ундан қолишмайди. Сифат жиҳатидан рақобатга бардошли ва етарли миқдорда ишлаб чиқариляпти. Буларни энди биринчи эҳтиёжга эга бўлмаган маҳсулотлар деймиз. Олайлик, Самарқандда чиқаётган холодильниклар, Тошкент мебеллари, тўқимачилик маҳсулотлари, телевизорлар ва ҳоказо. Ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозорини касод қилишимиз ҳам завод ва фабрикаларимиз иқтисодиётига зарар. Шу боисдан бундай маҳсулотларни олиб киришга божхона тўловлари жорий этилганки, бундан мақсад ўз маҳсулотларимизни ўз бозоримизда муҳофаза қилишдир.

— Экспорт борасидаги тартиблар қандай?

— Бунда ҳам худди ўша мақсадлардан келиб чиқилади ва республикамиз табиий бойликлари, хом ашё заҳираларидан рационал фойдаланиш мақсадида маълум бир турдаги маҳсулотларга божхона божлари ўрнатилган. Олиб чиқиладиган маҳсулотлардан давлат иқтисодиётига таъсири, маҳсулотга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинади. Олайлик, пахта ёғи, рангли металл, ўсимлик ёғи, мол ёғи, нефть мойлари, мармар, гранит, баъзи қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, маргарин, макарон кабиларга божхона божи ўрнатилган.

— Энди божхона тўловларидаги шу йил 1 октябрдан киритилган ўзгаришлар ҳақида батафсил гапирсангиз?

— Бу янгиликлар Президентимизнинг 1995 йил 17 июлдаги Фармонига асосан, яъни ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириб бориш, бу фаолиятни энди тариф йўли билан бошқариш сари янги бир шундай қарорга келинди. Божхона тўловларига янги ставкаларнинг жорий этилиши ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқарувчилар ва ички бозорни ҳимоя қилиш, уни халқ истеъмоли маҳсулотлари билан бойитишга қаратилган.

Ўзбекистон ҳукумати ва у кафолатлаган идоралар томонидан тузилган ҳукуматлараро ва кредит келишувлари асосида келтирилаётган маҳсулотлар ва Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси ва Украина давлатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар импорт божхона тўловларидан озод қилинади. Мамлакатимиз иқтисодиётига 50 миллион доллардан ортиқ сармоя жойлаштирган хорижий юридик шахслар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини олиб киришларида божхона тўловларидан озод этиладилар.

103 номдаги, жумладан, пахта толаси, рангли металл, ерёнғоқ, тамаки хом ашёси, мармар, гранит, табиий газ кабиларга экспорт операцияларида 5 дан 20 фоизгача божхона божи ўрнатилди. Маҳсулот нархининг 50—100 фоизи миқдоридаги божлари энг зарур, биринчи эҳтиёждаги маҳсулотлар — асал, картошка, ўсимлик ёғи, маргарин маҳсулотлари, жумладан, республикамизда ишлаб чиқариш маълум қийинчиликлар туғдираётган гугурт, шиша идишлар, ёғоч маҳсулотлари, қоғоз, картон кабиларга ўрнатилди. Импорт қилинадиган маҳсулотларнинг бож олинмайдиган турлари ҳақида гапириб ўтдик. Биринчи эҳтиёжга эга бўлмаган маҳсулотларга, 61 номдаги маҳсулотларга (улардан 50 номдагиси, яъни 80 фоизига нархининг 5—20 фоизи миқдорида) бож белгиланди. Импорт бўйича божхона пошлиналари ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш маъносида мебеллар, кийимлар, мева шарбатлари ва матоларга ҳам белгиланди. 1996 йилдан ўз ишлаб чиқариш кучларимизнинг маҳсулотларига ўрин бериш мақсадида энг катта божхона тўловлари енгил автомобилларга ўрнатилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, агар бирор бир ҳамюртимиз юқорида эслатилган МДҲдаги давлатларда ишлаб чиқарилган енгил машина олиб келган бўлсалар, унда бундай машиналарга бож олинмайди.

Мазкур ўзгаришлар тегишли вазирликлар ва идоралар ўртасида обдон кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. Зеро, божхона ҳам иқтисодиётни муҳофаза қилиш, уни ривожлантириш йўлида хизмат қилувчи катта кучдир.

Суҳбатдош:
Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАТАН ИЧРА ЯНА БИР ЧАМАН, ЮЗИНГ ЁРУҒ БУГУН НАМАНГАН!

ТЕР ТЎККАНГА — ЕР ТЎКАР

Олимжон БОЗОРОВ,
Наманган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Наманган далаларига бугун байрам кўчди! Давлатга пахта топшириш бўйича режа муваффақиятли бажарилди. Тайёрлов пунктларида умумий салмоғи 280 минг тоннадан ошадиган «оқ олтин» тоғлари қад ростлади. Ҳар бир гектар майдон ҳосилдорлиги 29,5 центнерни ташкил этди. Қимматли хом ашёнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди. Келгуси йил деҳқончилиги учун 21 минг тоннадан зиёд сифатли уруғлик жамғариб қўйилди.

Бундай ютуққа эришишда йиғим-терим мавсумининг пухта ташкил этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга бу натижа замирида пахтакорларимизнинг бултур кўздан бери қилган тинимсиз меҳнати ётади. Чунки мўл ҳосилга шудгорлаш ва яхоблаш пайтидаёқ мустаҳкам пойдевор қўйилади. Эртапишар, серҳосил ва кўп тола берувчи навлар — «Наманган-77», «Фарғона-3», «С-6524» далаларимизга жуда мос тушди.

Наманган азалдан миришкор, танти деҳқонлар юрти сифатида танилган. Иброҳим Раҳматов, Тожихон Асқарова, Мамажон Тошматов, Меликўзи Умрзоқов сингари уста пахтакорлар унинг шуҳратини оширишган. Ҳозир ҳам қишлоқларимизда уларнинг анъаналарини давом эттираётганлар сони кўп. Буни шу йилги пахта ҳосилини етиштириш йўлида қилинган меҳнат яна бир бора кўрсатди.

Норин туманидаги Шамсиддинов номли хўжаликдан Машраббой Исмонов, Учқўрғон туманидаги «Жалолобод» хўжалигидан Сожира Ботирқулова, Наманган туманидаги «Ғайрат» хўжалигидан Абдураҳмон Жўраев каби бригада етакчилари машъалларимиздир. Улар ўз жамоаларида меҳнатни тўғри ташкил этиб, илғорлар тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Машҳур теримчи Тожихон Асқарова номидаги вилоят мукофотига даъвогарлар ҳам ҳар қачонгидан кўп бўлди. Муҳаррам Саримсоқова (Наманган туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги), Хадича Тоштемирова (Учқўрғон туманидаги Қўчқорота номли жамоа хўжалиги), Фотимахон Собирова (Норин туманидаги «Норин» жамоа хўжалиги), Насиба Тўхтабоева (шу тумандаги «Оқолтин» жамоа хўжалиги) кабилар ана шулар жумласидандир. Улар ҳозиргача 6-8 тоннадан пахта теришди. Бу айтишга осон. Агар бир кило ҳосил учун чаноқларга 250 мартагача қўл узатилишини ҳисобга олсак, теримчи меҳнати нақадар эъзозли эканлиги аён бўлади.

Йиғим-теримда эса ҳукуматимизнинг деҳқон меҳнатини юксак қадрлаб, пахта харид нархини аввалги йилга нисбатан етти баравар ошириши, режадаги толанинг 40 фоизи, режадан ортиғининг бар часи хўжаликлар ихтиёрида қолдирилиши зўр рағбатлантирувчи омил вазифасини ўтади. Қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун камида 1 сўм 20 тийиндан ҳақ тўланиши ҳам теримчилар ғайратига-ғайрат қўшди. Шу туфайли ялпи сафарбарлик ҳар қачонгидан ҳам оммавий бўлди. Жами этак боғлаб пахтазорга отланганлар сони салкам 200 минг кишига етди. Теримчилар меҳнати ҳар беш кунда якунланиб, иш ҳақи ўз вақтида тарқатиб турилгани туфайли моддий манфаатдорлик юқори бўлиб, кунлик суръатнинг кўтарилиши таъминланди.

Ҳар йилгидай чортоқликлар мавсумда пешқадамлик қилишди ва вилоятда биринчи бўлиб зафар марасини эгаллашди. «Москва», «Октябрь», Навоий номли жамоа хўжаликлари илғор туман ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Мирзааҳмад Қорабоев, Ёқубжон Усмонов, Хайрихон Бобоева бошлиқ бригадалар жамоалари ҳосилдорликни 36-42 центнерга етказиб, барчага ўрнак бўлдилар.

Мавсумда Норин тумани пахтакорлари ҳам ҳаммани лол қолдирди. Улар теримни бирмунча кеч бошлаган бўлсаларда, тез орада карвонбошилар сафидан жой олишди. Чунки туманда ҳар йилгидай «зангори кема»лар имкониятидан кенг фойдаланилди. Иброҳим Эргашев, Умматали Камолов, Каримжон Саримсоқов, Муҳаммаджон Каримов каби механизаторлар зўр ғайрат кўрсатиб, меҳнат қилдилар.

Бугунги шодиёна кунда Уйчи, Учқўрғон, Наманган, Чуст, Поп туманлари миришкор деҳқонларининг зарбдор меҳнатига ҳам тасаннолар айтамиз. Улар ҳам маррани барвақт эгаллаб, ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Яқин кунларда Тўрақўрғон, Косонсой, Мингбулоқ туманлари пахтакорлари ҳам режани бажаришлари кутилмоқда.

Тер тўкканга ер тўкар, деганларидек, ҳозиргача режага қўшимча пахта топширяётган хўжаликлар сони 70 тадан ошиб кетди.

Пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам барқарор ривож топаётганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Айниқса, ғаллачиликда бу йил мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Давлат омборларига 131000 тонна дон топширилди. Бу, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини таъминлашга қўшилган муносиб ҳисса. Шунингдек, 2968 тонна пилла, 43000 тонна мева, 71000 тонна узум, 12000 тонна полиз, 137,5 минг тонна сабзавот, 39,7 минг тонна картошка маҳсулотлари топширилиб, шу соҳалардаги топшириқлар ҳам ортиғи билан адо этилди. Айни пайтда чорвачилик маҳсулотлари сотиш режаларининг ҳам сўзсиз бажарилиши учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Вилоятимизда пахта тайёрлаш режаси бажарилган бўлса-да, йиғим-теримда сусткашликка йўл қўйилмайди. Чунки мустақил мамлакатимиз улкан хирмонига яна йигирма минг тонна ҳосил етказиб беришни зиммамизга олдик. Шунда жами пахтамиз 300 минг тоннага етади.

Наманган вилояти пахтакорларининг ғалабасига Норин тумани деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Айниқса, «Тошкент» жамоа хўжалиги деҳқонлари режани қисқа муддатда ўринлатиб бу борада кўпчиликка ибрат бўлишди. Улар ҳосилдорликда ҳам юқори ўринга эришишди. Мавжуд 690 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтарилди. Уларнинг нияти—эл хирмонига яна 500 тонна пахта тўкиш. Шуниси қувончлики ҳосилнинг барчаси юқори навларга қабул қилинди. Механик ҳайдовчилардан Иброҳимжон Эргашев, Муқимжон Худойназаров, Иброҳим Ҳолбоев, Абдуқаюм Маназаровлар ўз машиналари билан 200-250 тоннадан пахта теришди.

Чандаги суратда хўжалик бош ҳосилоти Эргашали Азимов, механик ҳайдовчилардан Турсун Бегматов, Жамолиддин Давронов, Ботирали Умрзоқов ва бригада бошлиғи Абдуқаҳҳор Холмуродов.

Ўнгдаги суратда эса шу тумандаги «Катта ўлмас» жамоа хўжалигининг Убайдулла Деҳқонов бошлиқ бригадаси чевар теримчиси Ҳанифахон Исманова тасвирланган. У ҳар куни 150-200 килограммдан пахта териб хўжалик хирмонига барака киритди.

Пўлатжон АКБАРОВ олган суратлар.

АҚШГА — ЎҚИШГА!



АҚШ ҳукумати "Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти" дастури қўйидагини эълон қилиш шарафига муяссардир. Бу дастур АҚШ ҳукумати томонидан моддий таъминланади. Бу халқаро мактаблар дастури бўлиб, ўзбекистонлик ўсмирлар АҚШ юқори синфларида ўқишлари ва америкалик оилаларда яшашларининг бир йил давомидаги моддий харажатларини АҚШ ҳукумати ўз зиммасига олади.

Танловда қатнашувчилардан қуйидагилар талаб қилинади:
— Ўзбекистон фуқароси бўлишлари керак;
— 1980 йил 1 январдан 1981 йил 15 июлгача бўлган даврда туғилганлар;
— охирги 5 йил ичида АҚШда 3 ойдан ортиқ яшмаганликлари;
— АҚШга боришга виза олиш учун тўсқинликлар бўлмаслиги;
— инглиз тилида ёзишни ва оғзаки нутқни пухта билишлари *шарт*.

Ўзбекистонда 1- ва 2-босқичлар қуйидаги танлов марказларида ва қуйидаги вақтда ўтказилади:
НУКУС 23 — 24 октябрда,
УРГАНЧ 25 — 26 октябрда,
СИРДАРЁ 23—24 октябрда,
ЖИЗЗАХ 25 — 26 октябрда,
ТЕРМИЗ 30 — 31 октябрда,
КАРШИ 2 — 3 ноябрда,
САМАРКАНД 30 — 31 октябрда ва 1 ноябрда,
НАВОИЙ 3 — 4 ноябрда,
БУХОРО 5 — 6 ноябрда,
ФАРҒОНА 13 — 14 ноябрда,
АНДИЖОН 16, 17 18 ноябрда,
НАМАНГАН 20, 21, 22 ноябрда,
ТОШКЕНТ 24, 25, 26, 27, 28 ноябрда,
ТОШКЕНТ вилояти 28, 29, 30 ноябрда;

Агар сиз танловнинг биринчи босқичида иштирок этишни истасангиз, сизда қуйидагилар бўлиши керак:
☑ *Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (асл нусха);*
☑ *3x4 ҳажмдаги бир дона фотосурат;*
☑ *Қора ёки кўк рангли ручка, қалам ва ўчиргич;*

Сизнинг ҳудудингиздаги тест танловининг жойи ва вақти ҳақида махсус маълумотлар олиш учун вилоят халқ таълими бошқармасига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, республика ўқувчилар саройи, 5-хона, АКСЕЛС.

Телефонларимиз: (3712) 45-42-71,
Тел/факс: 45-49-54.

Германияда ишлаб чиқарилган энг ишончли **ОПТИМА** электрон-ёзув машинкалари



OPTIMA®
GERMANY

♦Кенг ва тор каретка, хотира, дисплей
♦Русча, ўзбекча ва лотинча шрифт
♦Бўяш ва тўғрилаш ленталари
♦Сервис хизмати ва таъмирлаш
Кафолати — 2 йил
ОРТІМА фирмасининг Ўзбекистондаги расмий дилери — ОПТИМАЛ-СЕРВИС фирмаси
Телефон: (3712) 62-15-48.
Тел/факс: (3712) 62-23-34.

BETA — UZBEKISTAN COMPANY LTD

ХУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Машҳур **"БЕТА"** халқаро ўртоқлик фирмаси Цейлоннинг серқуёш плантацияларида етиштирилган олий навли чойни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ушбу чой ўзининг мазаси жиҳатидан бутун дунё бурчакларида маълум ва машҳурдир.

Бугунги кунда Цейлон чойи бизда — Ўзбекистонда.

Машҳур чой турлари:
BAYCE TEA (БАЙЖЕ ЧОЙ)
BETA TEA (БЕТА ЧОЙ)
HOWDAH TEA (ХОУДАХ ЧОЙ)

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 119.
Телефонлар: 48-04-97, 48-05-10
Факс: 48-09-90.

"БЕТА" Ўзбекистоннинг барча аҳолисини Цейлон чойи билан таъминлашга ўз улушини қўшади ва уларни харид қилишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

"БЕТА" — ЎЗБЕКИСТОН СО ЛТД"

Сизга тез ва сифатли хизмат кўрсатади.

Йўлдош Эшбек тарихимизнинг шўролар даврида бироз қийинчиликларни кечирди — шеърларини истаганидай эълон қила олмади. Бироқ у бундан ютқазгани йўқ. Балки у сабр билан ижод қилди, ичдан тарбия топди. Мана энди шоир Истиқлолга эришган ҳур Ўзбекистонда тулиб-тошиб эркин ижод қилаётир. Тилидан Яратганга шукроналар тушмайди. Ватаннинг озодлигидан юзи ёруғ, сузи эса бурунгидай чин ва самимий.

Унинг шеърлари кейинги пайтларда ҳийла ўзгарди — метафораларга бойиди, умуминсоний муаммолар, фалсафий ўй-мушоҳадалар, теран туйғуларнинг жозиб ифодалари шоирнинг юқори парвозларга шайланганидан далолат бериб турибди. Лекин ўзи ўша-ўша — бироз ҳазин ва ҳазилкаш, ўйчан ва мулоҳазакор.

Мавлоно Румий ибораси билан айтсак, кўзга айланган кўнгил сурури, севимли шоиримизга насиб этгани чин бўлсин!

Аҳмад ОТАБОЙ.

Шеърият

БОЛАЛИК КЎЧАСИ

Бугун жон бермоқда бу тупроқ кўча,
Кун кеча ётарди куй мисол эриб —
Оппоқ тасма каби тун кўксин кеча,
Ирғишлар тоғларга қўлини бериб,

қиличнинг изидай борар қорайиб,
кўча кеча қаърин кечаркан тошдир,
гузарлар бағрини ёрар торайиб,
бўлиниб, кичрайиб кетган минг бошдир.

Жажжи оёғимга бўлгудек шифо,
билқилдоқ тупроғин қоларди булаб.
Оёғимни боссам қарсиллаб само,
садо қилар бугун тош йўлни қўллаб.

Мен сизга соғинчли саломлар йўллаб,
қалқиб уйғонамаи чопган тушумдан.
мовий шууримга оқ тупроқ йўллар,
бостириб кирасиз топган тушумдай.

Истайман оламда ободлик бўлсин,
озодлик бўлсину, хотирот кулсин.
оппоқ кўчалар ҳам оқ тушлар мисол
мунаввар ҳаётга уланиб тўлсин!

ЮРАК

Бағримнинг қаърига кирганми биров,
нуқул у кўксимга нуқуб қистайди.
орқага бурилсам солгудай буров,
олдинга юрсам у нима истайди?!
Қўлида болғами, кўради уриб,
кўз юмиб тингласам... кимга ўхшайди?—
Шовқиндан қандайдир иморат қуриб...
сукутдан гиламлар қоқиб, тўшайди!

ЮРТ

Қабоғингда тўқ доғингман, онажон,
Яноғингда кўк доғингман, онажон,
Қон талашган кўксинг аро эзилган —
Кукун бўлган, йўқ тоғингман, онажон!
Кўксинг узра чопган туёқ наҳали —
Қурол қилди ёвузликнинг саҳари,
Қамчи бўлсам чақнагувчи қирқ ўрим —
Қирқсам қаро булутларни ақалли!
Жазоним бу — озурдажон узоринг,
Узорингга инлар қўйган озорим,
Боролмасам азобимда тозариб,
Кутар исиод —кўксингдаги мозорим!

ЙЎҚЛОВ

Қишлоқдаги ҳовлимиздан тошар эди бир чироқ,
тоғдаги боғимизда порлар эди бир булоқ,
қишлоқдаги ҳовлимизда чироқ сўнибди,
тоғдаги боғимизда булоқ тўнибди,
қайга кетдинг, ота!
Ҳар гал борсам тулпоримиз кишнар эди,
искаб улкан ҳовучингни яшнар эди,
борсам энди боши эгик, от ҳам хомуш,
ҳувиллайди қишлоғимиз — улкан ҳовуч,
қайга кетдинг, ота!
Келинларнинг лабларида нола ёнар... чанқовузнинг,
сариқ торттан суви боғда сарҳовузнинг,
пастлагандай осмонимиз, қайда довшинг,
қайга кетдинг, ота, қайга кетдинг!
Келганимда Нуротага еттандирсан,
тоғлар ошиб балки Тошкент кеттандирсан,
о, бу не ғам, сенлаяпман, мени фаҳм эттандирсан,
қайга кетдинг, ота,
қайга кетдинг!

Йўлдош ЭШБЕК.

Ғаройиб дунё

БАҲАЙБАТ ОЁҚ СИРИ

Кўп йиллар давомида Американинг шимолий-ғарбида қўлга тушмас мавжудотлар ортидан юрган мутахассис тарихий ҳужжатларга дуч келдим, деб ҳисобламоқда. Ҳужжатлар қор одамига ўхшаш Бигфут аслида испан тадқиқотчилари томонидан 1530 йиллари Вашингтон штатига олиб келинган ҳиндулар авлоди эканлигини тасдиқлаяпти.

Қадимги тасвирларга кўра, ўша ҳиндулар қора танли, узун соқол ва сочли, бўйлари 2 метр, оёқлари ялоқ, катта бўлган. Агар бу ҳақиқатга тўғри келса, Непалдаги йети ва Хитойдаги ёввойи одамлар қадимги инсон авлоди бўлиб чиқади.

— Бигфут ёки Саскуач деб аталувчи мавжудот испан истилочиси Фернандо Кортес қадимги ҳиндулар шаҳри Тучанога келтирган 300 та қул авлодидир. «Саскуач» атамаси эски испанча «сакуи» — «қул» сўзидан олинган, — дейди антропология тадқиқоти бўлими президенти Терранс Митчел.

Ҳужжатларда ёзилишича, конкистадорлар ва уларнинг қуллари форт қурганлар. Аммо орадан бир неча йил ўтиб, маҳаллий ҳиндулар ҳужум қилгач, бузиб ташланган. Колониядаги барча испанлар ўлган. Фортдан ташқарида яшаган қуллар эса ўрмон ичкарисига қочиб кетган. Ҳозиргача ўтиб бўлмас ўрмон ичида яшаб келмоқдалар.

— Кейинги 450 йил давомида улар кўпайиб, кичик гуруҳларга бўлинган ва Шимолий Калифорния ҳамда Марказий Британия Колумбияси орасидаги одам бормайдиган тоғ ҳудудларига тарқалиб кетган, — дейди Митчел. — Ушлаб олса ўлдиради ёки қул қилади деб ўйлаб замонавий одамлардан қочадилар.

Сирли ҳиндулар боболари каби папоротник илдизи, моллюска, кийик ва айиқ гўшти билан тирикчилик қиладилар. Ҳайвон терисидан кийим кийишади, ғорларда яшайди, териларини ёғоч кўмири билан бўяйди. Уларнинг ўқ-ёй, сопқон, пуфлаб отиладиган қуроллари бор. Кундузи ҳаракатчан, фақат тундагина тўпланиб юришади. Уларни тутиш ёки ҳудудига кириш мумкин эмас. Тасодифий колониясига дуч келиб қолган одам ўлади. Шунинг учун гувоҳлар йўқ...

ҒАЛАТИ ЖАЗО ЎТАШ

Спиртли ичимлик ичиб автомашина бошқарган замбиялик шофёрлар қўлга тушса олти ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинадилар. Лекин шофёрлар етишмаслиги туфайли кўча ҳаракатини бузувчилар қамоқ муддатини антиқа тарзда ўтайдилар. Яъни дам олиш кунлари — жумадан душанбагача қамоқда бўладилар. Ҳафтанинг бошқа кунлари ишга чиқиб йўловчи ташийдилар.

Ичкиликка ружу қўйган ҳайдовчиларга бу тартиб қандай таъсир қилаётгани номаълум. Лекин халқ хўжалигига яхши фойда беряпти.

Орриф ФАРМОН тайёрлаган.

Спорт

КАТТА ФУТБОЛГА МАРҲАМАТ

Бугун Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионида футбол бўйича Афро- Осиё кубоги учун дастлабки мусобақа ўтказилади. Бунда Ўзбекистон миллий терма командаси Нигерия миллий терма командаси билан дастлабки учрашувни ўтказади.

Маълумки, «Пахтакор» стадионида бундан илгари ҳам кўплаб йирик мусобақалар ўтказилган. Собиқ Иттифоқ даврида бу ерда номдор командалар ҳамда терма жамоаларининг учрашувлари ўтган.

Лекин бугунги учрашув мустақил Ўзбекистонимиз футболининг жаҳон миқёсига яна бир бор чиқаётганидан далолат беради. Зеро, футболчиларимиз ўтган йили бутун куч-маҳоратларини ишга солиб, Осиё чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлишганди. Бу галги беллашувлар ҳам командамиздан юксак масъулият талаб қиляпти. Шу боис команда сафига мамлакатимизнинг энг моҳир ўйинчилари, жумладан, чет эл футбол клубларида тўп сураётган моҳир ҳужумчилару, ҳимоячиларимиз таклиф этилган. Саудия Арабистонида ўйнаётган Азамат Абдураимов, Россияда тўп сураётган Миржалол Қосимов, Малайзияда маҳоратини намойиш этаётган Игорь Шквиринлар шулар жумласидандир.

Терма командамиз аъзолари ушбу учрашувга пухта ҳозирлик кўришди. Бундан икки кун олдин сўнгги ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Бунда терма командамиз Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси билан учрашиб 4:2 ҳисобида ғалабага эришди.

Нигерия спортчилари эса ўтган йили Африка қитъаси чемпиони бўлишди. Ўша йили жаҳон чемпионатининг финал мусобақаларида иштирок этишди. Улар жаҳоннинг кучли жамоалари билан беллашувларда бир неча бор ғалабага эришдилар. Фақат саккиздан бир финалда бўлгуси финалчилар — италияликларга ютқазиб қўйишди. Нигерияликлар бугунги учрашувга ҳам пухта ҳозирлик кўришди. Хуллас, футбол ҳақида башорат қилиш мушкул. Учрашувнинг қандай тугашини ўйин ва вақт кўрсатади.

«ҲИКМАТЛАР – ЖОН МАЛҲАМИ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Аввал қуйидаги шарқ мутафаккирларининг сўз ҳақидаги ҳикматлари асосида тузилиб, рақамларда ифодаланган очқични ҳал этинг.

1. Амир Темур:
Бир калима 23, 2, 10, 2, 9, сўз қилични қинга киритар.

2. Абу Райҳон Беруний:
12.2.7 - сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир.

3. Алишер Навоий:
Турк 9, 1, 14, 3,2, 8, 1 чу мен тортиб алам.
Айладим ул мамлакатни якқалам.

4. Юсуф хос Ҳожиб:
Ақлинг кўрки — тил,
Тилинг кўрки — 22,16, 13.

5. Аҳмад Югнакий:
Тилинг билан 16,17 ҳиссини қўзғатма. Билки ўқ яраси битару тил яраси битмас.

6. Абулқосим Фирдавсий:
Тилингни сўзлашга соз, маҳлиё қил,
Сўзингни 16, 15 қилу ақлни ё қил.

7. Саъдий Шерозий:
Мағзини аввал чақиб, сунгра ғапир,
20, 24 азизим, йўқса тут оғзингда сир!

8. Абдураҳмон Жомий:
Сўзингни безатмоқ бўлса ғар тилак,
Ростликдир тилингга энг яхши 19, 18, 14, 1, 11.

9. Ҳайдар Хоразмий:



Улки билур сўз 6, 5, 13, 1, 10, 2, 9 қийматин,
Сўзда топар сўзлагучингнинг отин.

10. Муҳаммадниёз Нишотий:
Сўздин эрур ҳар тан аро жон доғи,
Жон демайин гавҳари 2, 3, 4, 9 доғи.

11. Абдулла Қодирий:
Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир, — сўз-қолип, 21, 2, 11, 10 унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин...

Энди жавоблар асосида шакллардаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, ўйланмани ҳал этинг. Бунда аён бўладиган, она тилимиз мадҳ этилган мисралар ўзбек адиби ва олими Абдулла Авлоний қаламига мансуб.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 23

ЎзТВ I
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Алдаркўса ва бой», «Қувноқ алдоқчи». Мультфильмлар.
17.50 Хонанда Толибжон Тураев қўйлайди.
18.10 «Ислоҳот ва масъулият». Республика жамоа фермаларини хусусийлаштириш.
18.40 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
18.55 Эълонлар
19.00 Янгиликлар.
19.20 Эълонлар.
19.25 Футбол шарҳи.
19.40 «Фан фидойиси». Академик Азиз Қаюмов.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Гулшан диёрим». Концерт.
21.40 ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан». Видеофильм. 1-қисм.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.15 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақдиматида:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Параллель».
19.30 «Деҳқон ҳиммати».
20.00 «Бу бўстон аро...».
20.40 «Спорт-тайм».
21.10 — 22.20 «Ганг дарёсининг қизи». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
ЎзТВ
23.20 «Санъат маскани», «Нодир хазина». Телефильмлар.
23.40—23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
*
«ОМАД» тақдиматида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси». Оммабоп кўрсатув.
21.30 Эълонлар.
21.35 Видео — «О». Бадиий видеофильм.
23.15 Эълонлар.
23.20 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
23.40 «... яна об-ҳаво ҳақида». Метеорологик маълумот.
23.50 — 24.00 «Постфактум». Ҳафта мобайнидаги нашрлар шарҳи.

СЕШАНБА, 24

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан». Видеофильм. 1-қисм.
10.10 Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Жараён».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон тарихи.
12.00 «Ишбилармон». Тўрткўл тумани тадбиркорлари ҳаётидан.
12.20 Немис тили.
12.50 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб». «Оталар изидан».
13.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
14.00 — 16.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Қўённинг кўз ёшлари». Мультфильм.
17.40 «Фарзанд — умид юлдузи». Публицистик кўрсатув.
18.10 «Нон таъми». Фарғона вилояти хўжаликларида кузги галла экишнинг бориши.
18.40 «Узбектелефильм» кўрсатади: «Маргилон ипаги».
18.55 Эълонлар.
19.00 Янгиликлар.
19.20 Эълонлар.
19.25 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Пахтакорлар учун концерт.
21.40 «Туркистон — умумий уйимиз». «Ўзбегим — ўз оғам». 1-кўрсатув.
22.20 ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан». Видеофильм. 2-қисм.
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.40 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдиматида:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Видеогид». Янги бадиий фильмлар ҳақида.
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 «Кинонигоҳ». Бадиий видеофильм.

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

* * *
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
ЎзТВ
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40—23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Балиқчи қушлар учганда». Телефильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Ер сайёраси».
22.00 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
23.00 — 23.40 «Маданиятимиз дурдоналари».

ЧОРШАНБА, 25

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан». Видеофильм. 2-қисм.
9.55 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Фахрийлар — фахримиз».
11.15 «Ҳаракатда — баракат».
11.45 «Ассалом, япон тили».
12.20 «Ойдин шўълалар». Қизил Ярим Ой жамияти иш фаолиятидан.
12.50 «Ёшлик» видеоканали.
14.50—16.15 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Чодиржамол». Республика қўғирчоқ театрлари V анжуманига бағишланади.
18.10 «Фармон ва ижро».
18.45 «Спорт хабарномаси».
18.55 Эълонлар.
19.00 Янгиликлар.
19.20 Эълонлар.
19.25 «Анъаналар этади давом». Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Қашқадарё вилояти.
21.40 «Бир жуфт қўшиқ».
21.55 «Туркистон — умумий уйимиз». «Ўзбегим—ўз оғам». 2-кўрсатув.
22.35 ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан». Видеофильм. 3-қисм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.10 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақдиматида:
18.30 «Ёдингдами, дўстим».
18.45 «Қувноқ суҳбат».
19.15 «Дарсга қўнғироқ».
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
21.00 «Тошкент оқшомида».
22.00 — 23.30 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

* * *
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.00—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
ЎзТВ
23.20 Ҳужжатли фильм.
23.40—23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
*
«ОМАД» тақдиматида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта—Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 26

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 ЎзТВ хазинасидан. П. Телегенов. «Бир фожиа изидан». Видеофильм. 3-қисм.
10.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.40 «Ёшлар ва замон».
11.15 «Китоб ва ҳаёт». Кутубхона — зиё маскани.
11.45 «Қўнғироқча». Тележурнал.
12.15 «Аёл ва жамият». Мулоқот.
12.45 Ўзбек куйларидан концерт.
13.15 «Ўқитувчилар, Сизлар учун!».
13.45 «Такрорий экинлар самараси».
14.10 — 15.40 «Йўл азоби». Бадиий фильм.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Келажак қолдузлари». Телеочерк.
18.10 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
18.40 «Шеърий дақиқалар». Рауф Субҳон.
18.55 Эълонлар.
19.00 Янгиликлар.
19.20 Эълонлар.
19.25 Лирик концерт.
19.50 «Юзма-юз». Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев билан мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
21.40 «Санъатга ошифта қалблар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қодир Муминов.
22.25 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.20 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдиматида:
18.30 «Омад» тақвими. Мунажжимлар башорати.
18.35 «Теле-ателье-шоу».
18.45 Видео янгиликлари. Хорижий янги видеофильмлар.
19.05 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 — 22.50 «Кинонигоҳ». Бадиий видеофильм.

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

* * *
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
ЎзТВ
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40—23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Балиқчи қушлар учганда». Телефильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Ер сайёраси».
22.00 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
23.00 — 23.40 «Маданиятимиз дурдоналари».

* * *
18.20—21.40
*
ЎзТВ
21.40—22.55 «Плюшчихадаги уч терак қаҳвахонаси». Бадиий фильм.
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
.22.55—23.20
*
ЎзТВ
23.20 «Танбур». Телефильм.
23.40—23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Қашф этилаётган имкониятлар».
20.20 «Ён қўшним, жон қўшним».
21.00 «Олам ва одам».
21.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.20 «Кўнгил кўприклари».
23.10 — 00.40 «Жаҳон мусиқаси дурдоналари». Доницеттининг «Лучия ди Ламермур» операси.

ЖУМА, 27

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Марду-майдон». Бадиий фильм.
10.15 «Шарқ зарчашмаси». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Олтин куз». Кинодастур.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Бир ўлкаки...».
12.40 Немис тили.
13.10 «Санъатга ошифта қалблар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қодир Муминов.
13.55 — 15.55 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.10 «Фазилат». Телеочерк.
18.40 «Олий таълим янгиланиш йўлида». «АКСЕЛС» билан ҳамкорликда.
18.55 Эълонлар.
19.00 Янгиликлар.
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари.
*
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Маърифатнома».
21.25 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.10 Футбол. Осиё кубоги эгалари кубоги. «Янгиер» — «Талаба» (Ирок).
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.05 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақдиматида:
18.30 Болалар учун фильм. «Ҳамма — палубага».
19.40 Ёшлар ижро этади.
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.40 «Саломатлик — туман бойлик».
21.10 «Билиб қўйган яхши».
21.35 «Бизнес-академия».
22.00 — 22.40 «Шаҳар юмушлари».

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

* * *
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00
* * *
18.20—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
ЎзТВ
23.20 «Жонли сайёра».
23.50—24.00 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
*
«ОМАД» тақдиматида:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Автосалон». Янги маркадаги автомобиллар ҳақида.
21.30 «Қўлгига нима етсин!». Ҳажвий кўрсатув.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.10 Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О». Бадиий видеофильм.

ШАНБА, 28

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Қуш қопқон». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
11.05 «Оила».
11.35 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
12.05 «Ёшлик» студияси. «Баҳс».
12.45 «Муҳаббатли диёр айланг». Мусиқий композиция.
13.15 — 15.15 «Маънавият» видеоканали.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Совга».
17.50 «Олам». Маърифий кинодастур.
18.45 Эълонлар.
18.50 «Салом, ёшлар!».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Ишингиз бароридан келсин!».
19.25 «Оҳанглар оғушида».
19.40 «Имкон чўққилари». Гиннеснинг рекордлар оламида.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Юлдузли онлар». Дам олиш дастури.
21.55 «Кулги дарғаси». Узбекистон халқ артисти Эргаш Каримов.
22.55 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдиматида:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси тақдиматида:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 Мусиқали дамлар.
19.35 «Менинг кўчам».
19.50 «Кичик дебют».
20.20 «Рок сеанс».
21.00 — 22.30 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20
*
ЎзТВ
23.20 «Тўртта шим ва чит кўйлак», «Йўлдаги учрашув». Қисқа метражли бадиий фильмлар.
00.25—00.35 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Бизнен мирас» (татар тилида).
10.40 «Умид» (уйғур тилида).
11.20 «Мишка — артист». Болалар учун фильм.
12.30 «Аскар мактублари».
13.00 — 13.20 «Булоқлар кўз очганда».
***
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.35 «Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлидан».
22.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.20 «Эллада».
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40 — 23.50 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 29

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
11.30 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
12.30 «Кулги дарғаси». Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов.
13.30 — 15.30 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Мультфильм.
17.50 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.25 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ойнаи жаҳонда...».
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.40 Бир жуфт қўшиқ.
19.50 «Шарқнинг мумтоз мусаввири». Камолиддин Беҳзод.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дастур.
22.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «АСК».
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.25 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» тақдиматида:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Теле-ателье-шоу».
10.15 Видео янгиликлари.
10.35 «Оламнинг яратилиши».
11.05 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 — 14.20 «Кинонигоҳ».
*
17.00 «Мультконцерт».
17.15 «Жаҳон географияси». Оммабоп кўрсатув.
18.05 Эълонлар.
18.10 Видео — «О». Бадиий видеофильм.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
20.15 «... яна об-ҳаво ҳақида».
20.25 «Постфактум».
20.35 «Кулгига нима етсин». Ҳажвий кўрсатув.
21.00 «Компьютер-Осиё».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Даракчи».
21.45 Эълонлар.
21.50 — 23.40 Видео — «О». Бадиий видеофильм.

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.20 Эълонлар.

* * *
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.25—22.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50—23.20
*
ЎзТВ
23.20 «Афоня». Бадиий фильм.
00.40—01.00 «Панорама» (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам».
10.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.25 «Мусиқий учрашувлар».
12.50 «Ёшлар билан юзма-юз».
13.30 «Керакли одам». Бадиий фильм.
14.40 — 14.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
***
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.15 «Дунё эшиги».
22.00 «Ҳамкорлик —